

Марказий Осиёда қурғоқчилик мониторинги бўйича Ёшлар форуми

Марказий Осиёда иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари тобора долзарб масалага айланиб бораётган бир вақтда қурғоқчилик мониторинги бўйича Марказий Осиё ёшлар форумининг ўтказилиши нафақат илмий, балки стратегик аҳамиятга эга ташаббус сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур форум **“Space Technology Conference 2026”** халқаро анжумани доирасида ташкил этилгани эса алоҳида аҳамият касб этади. Унда Хитой, Ҳиндистон ва Россиядан ESCAP минтақавий қурғоқчилик механизми иштирокчилари, халқаро экспертлар, давлат идоралари, университетлар, илмий марказлар вакиллари, 35 ёшгача бўлган ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этишди.

Қайд этиш лозим, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари катта салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан, жиддий иқлим хавфлари билан юзма-юз келмоқда. Айниқса, қурғоқчилик қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари ва иқтисодий барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу эса муаммоларга реакция қилишдан кўра, уларни олдиндан бошқаришга ўтишни стратегик вазифага айлантиряпти.

Айнан шу нуқтада замонавий космик технологиялар энг актуал ечимдир. Сунъий йўлдош маълумотлари ва Ерни кузатиш тизимлари орқали атроф-муҳит ҳолати ҳақида тезкор ва холис маълумотлар олиш, ўзгаришларни прогноз қилиш ва асосли қарорлар қабул қилиш имкони пайдо бўлади.

Мазкур форум ҳам айна шу йўналишда 2022 йилда қабул қилинган Жакарта вазирлар декларацияси доирасида ёшларни космик фаолиятга жалб этиш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшишга қаратилган. Унда илмий марказлар, космик агентликлар, халқаро ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали намунасини кўришимиз мумкин. У билим алмашинувини рағбатлантириш, илмий салоҳиятни ошириш ва қурғоқчилик мониторинги ҳамда иқлимга мослашув бўйича минтақавий мутахассислар ҳамжамиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Форум БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ESCAP) томонидан амалга оширилаётган **“Марказий Осиё давлатларининг қишлоқ хўжалиги ва қурғоқчилик мониторинги учун Ерни кузатиш ва геофазовий технологиялардан фойдаланиш салоҳиятини ошириш”** дастури доирасида ташкил этилмоқда. Лойиҳа Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда космик технологиялардан самарали фойдаланиш, геофазовий маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда қурғоқчилик ва ҳосил мониторингини такомиллаштириш каби йўналишларда салоҳиятни оширишга қаратилган.

Албатта, бу борада мамлакатимизда айни йўналишда олиб борилаётган тизимли ишларни ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбеккосмос агентлиги томонидан космик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали бир қатор аниқ натижаларга эришилмоқда. Жумладан:

— Ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида мониторинг тизимлари жорий этилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, вегетация жараёнлари ва қурғоқчилик хавфлари мунтазам таҳлил қилинмоқда.

— Қишлоқ хўжалигида сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш орқали экин майдонларининг самарадорлигини баҳолаш, сув танқислиги хавфини аниқлаш ва фермерларга амалий тавсиялар бериш тизими шакллантирилмоқда;

— Сув ресурсларини мониторинг қилиш мақсадида дарёлар, сув омборлари ва ирригация тармоқлари ҳолати космик кузатувлар орқали таҳлил қилиниб, тегишли идораларга тезкор маълумотлар тақдим этилмоқда;

— Қурғоқчилик ва ер деградациясини баҳолаш бўйича геоахборот тизимлари (GIS) асосида таҳлилий хариталар ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилувчи органлар учун муҳим инструмент сифатида хизмат қилмоқда;

— Халқаро ҳамкорлик лойиҳалари доирасида илғор давлатлар ва ташкилотлар билан тажриба алмашинуви йўлга қўйилиб, замонавий технологияларни жорий этиш суръатлари оширилмоқда.

Форум якунига кўра, қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда. Ёшлар томонидан илгари сурилган илмий ғоя ва инновацион ечимларни намойиш этиш, геофазовий таҳлил ва очиқ кодли дастурлаш асосида ҳамкорлик платформаларини ривожлантириш, ёш тадқиқотчиларнинг минтақавий тармоғини шакллантириш, таълим ва амалий фаолият ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро академик алмашинувни кенгайтириш

Бир сўз билан айтганда, қурғоқчилик мониторинги бўйича Марказий Осиё ёшлар форуми — бу оддий илмий тадбир эмас. Бу — минтақанинг келажагига киритилаётган инвестициядир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур форум **“Space Technology Conference 2026”** доирасида ўтказилиши орқали халқаро экспертлар, олимлар ва ёш тадқиқотчиларни бир майдонга жамлаб, янги илмий ташаббуслар ва инновацион ечимлар учун мустаҳкам замин яратади. Бу эса Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.